


# I. НАРХЛАР

2017 йилнинг октябрь-декабрь ва 12 ойи учун истеъмол нархлари индекси  
(ўтган ойга нисбатан, %)


## Истеъмол нархлари индекси



2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2017 йил декабрь ойида истеъмол нархлари индекси 114,4 % ни ташкил қилди, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 115,9 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 116,1 % ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси 108,6 % га қимматлашган.

## Озиқ-овқат, ноозиқ-овқат товарлари ва пуллик хизматларнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




Маҳсулотлар нархи 2017 йил мобайнида 16,0 %, ойлик ўртача ўсиш сурати 1,2 %. Хизматлар нархлари эса 8,6 %, ойлик ўртача ўсиш сурати эса 0,7 % даражасини ташкил этган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ой давомида ўртача 1,2 % миқдорида ошиб борган.

### 2017 йилнинг IV-чораги давомида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши


(ўтган ойга нисбатан, %)



2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан бирмунча сезиларли даражада тухум 36,1 % га, гўшт маҳсулотлари 30,0 % га, шакар, чой ва қандолат маҳсулотлари 17,8 % га ҳамда ёғ ва мой маҳсулотлари нархлари 16,4 % га қимматлашган.

### 2017 йилнинг декабрь ойи учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




Гўшт маҳсулотларидан асосан мол гўшти 35,9 % га, парранда гўшти 33,1 % га ва қўй гўшти нархи 31,4 % га қимматлашди.

Ёғ-мой маҳсулотларининг қимматлашишига маргарин 21,3 % га, сариёғ 19,9 % га ва ўсимлик мойи нархларининг 15,3 % га ошиши сабаб бўлди.

Сут маҳсулотлари нархларининг энг юқори ўсиш даври 2017 йилнинг декабрь ойида қайд этилиб, бунда нархларнинг бир ой давомида ўртача 3,0 % га қимматлашганлиги кузатилган.

Асосий турдаги сут маҳсулотлари нархларининг ўзгариш динамикаси қуйида акс эттирилган:

**2017 йил декабрь ойи учун сут маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси  
(%)**



Йил мобайнида шакар 28,8 % га, кофе ва чой 17,0 % га ва қандолат маҳсулотлари нархлари 14,0 % га қимматлашди.

Ёрма ва дуккакли маҳсулотлар нархларининг ўртача 17,3 % га ўсишига ловия 42,4 % га, нўхат 33,2 % га, мош 17,6 % га, гуруч 16,2 % га ҳамда манний ёрмаси 11,2 % га қимматлашганлиги бевосита таъсир этган.


Бошқа турдаги озуқа маҳсулотлари орасида бирмунча юқорироқ суръатларда тухум 36,1 % га, вермишель ва макарон маҳсулотлари 12,6 % га, мева-сабзавот консервалари 10,7 % га, буғдой уни 10,4 % га ҳамда алкаголсиз ичимликлар нархлари 6,9 % га қимматлашди.

Ароқ ва спиртли ичимликлар 19,4 % га, шампан ва мусаллас 14,4 % га, қуруқ ва ярим қуруқ узум шароби 13,8 % га, шунингдек, спиртли узум шаробининг 12,4 % га қимматлашиши алкаголь маҳсулотлари умумий нархларининг ўртача 16,8 % даражада ўсишига олиб келди.

Мева ва сабзавот нархларининг ўзгариши динамикаси йил давомидаги одатий ҳисобланган мавсумий ўзгаришлар таъсири оқибатида бир маромда кечмади: нархларнинг энг юқори даражада ўсиши декабрь ойида 14,2 % га қимматлашганлиги қайд этилган бўлса, аксинча, нархларнинг сезиларли суръатда пасайиши ҳолати июнь ва июль ойларида рўй бериб, бу ўртача 13,8 % ва 14,9 % кўринишида кузатилди.

Ноозик-овқат маҳсулотлари нархларининг 2017 йил январь-декабрь ойлари давомида ўртача ойлик ўсиш сурати 1,2 % ни ташкил этган.

**Нооziқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари бўйича  
нарх индеклари**  
(ўтган ойга нисбатан, %)



**2017 йилнинг декабрь оyi учун нооziқ-овқат маҳсулотларининг асосий  
гуруҳлари истеъмол нархлари ўзгариши**  
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)

Гуруҳ номи	Нарх индекси	жумладан, гуруҳ ўртача нархидан юқори нархлар:	Нарх индекси
Кийим	117,6	Эркаклар кийими	121,0
Газлама ва эшилган иплар	116,8	Жунли ва ярим жунли газламалар	119,2
		Пахтали кийим газламалар	119,0
		Кўйлақлар учун пахтали газламалар	118,7

<i>Гуруҳлар номи</i>	<i>Нарх индекси</i>	<i>жумладан, гуруҳ ўртача нархидан юқори нархлар:</i>	<i>Нарх индекси</i>
Оёқ кийим	115,1	Аёллар оёқ кийими	117,8
Дори-дармонлар	112,2	Антисептик воситалар	115,6
		Яллиғланишга қарши воситалар	115,1
		Боғлаш воситалари	113,1
Қурлиш моллари	115,6	Цемент	123,1
		Гулқоғоз (обой)	121,0
		Бўёқлар	119,4
		Ойна	119,2
		Бинокорлик материаллари	116,2
Шахсий транспорт	139,1	Енгил автомобиллар	150,2
Автомобиллар учун ёқилғи	120,3	Бензин	139,7
Шахсий гигиена маҳсулотлари	120,2	Атир совун	127,8
		Шампунь	124,1
		Болалар тағлиги	122,8
		Юз ва қўл учун крем	121,5

Бошқа турдаги ноозиқ-овқат товарлари орасида нархлари сезиларли даражада босма нашриёт маҳсулотлари 19,0 % га, заргарлик буюмлари 16,1 % га, маиший тўқимачилик маҳсулотлари 15,0 % га, ювиш ва тозалаш воситалари 14,5 % га, маданий моллар 13,5 % га, атторлик моллари ҳамда соатлар 13,2 % га, ошхона жиҳозлари 13,1 % га ва алоқа воситалари 13,0 % га қимматлашди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги нархларнинг йил бошидан ўсиш даражаси 8,6 % ташкил этган бўлиб, бу эса ойда ўртача 0,7 % дан ошиб борганлигини кўрсатади.

## Аҳоли учун айрим турдаги пуллик хизматлар тарифлари индекси


( % )

	ўтган ойга нисбатан			2017й. декабри 2016й. декабрига нисбатан
	октябрь	ноябрь	декабрь	
Маиший хизматлар	100,8	102,0	101,6	108,3
Уй-жой коммунал хизматлари	100,0	100,1	100,1	107,1
Йўловчи транспорти хизматлари	100,0	100,0	100,0	106,9
Алоқа хизматлари	100,0	100,0	100,0	123,9
Маданият муассасалари хизматлари	100,0	100,2	100,3	115,3
Мактабгача таълим муассасалари хизматлари	100,0	100,0	100,0	108,3
Спорт хизматлари	101,7	100,9	100,8	105,9
Дам олиш хизматлари	100,0	100,0	100,3	110,8

Маиший хизматлардан қолган хизматларга нисбатан бирмунча юқори суратларда кийим тикиш 15,4 %, пойабзал тузатиш 15,3 %, сартарошхона хизматлари 14,0 % га ўсганлигини кўриш мумкин.

2017 йил мобайнида уй-жой коммунал хизматлари соҳасидаги тарифлар ўрта ҳисобда 7,1 % га кўтарилган бўлиб, бунда нархларнинг асосий кўтарилиш даври июль ойига тўғри келиб, ўртача 6,1 % ни ташкил этган. Йил бошидан ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уй-жойни таъминлашга қаратилгин мажбурий тўловлар миқдори ўртача 5,2 % га қимматлашди. Аҳоли учун бошқа асосий турдаги коммунал тўловлари тарифларининг ўсиши қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

**2017 йил декабрь ойида асосий турдаги коммунал хизматлар  
тарифларининг ошиши**  
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Йўловчи ташиш транспорти хизматлари 6,9 % га, жумладан, хаво транспорти 48,2 % га, темирйўл транспорти 17,7 % га, автомобиль транспорти 1,6 % га қимматлашди.

Миллий валютага нисбатан АҚШ доллари курсининг 2017 йилнинг биринчи учта чораги мобайнидаги ўсиб бориши уяли алоқа ҳамда мобил интернет хизматларининг жами 31,4 % га қимматлашишига олиб келди. 2017 йилнинг октябрь ойидан бошлаб уяли алоқа операторлари сўмлик тарификацияга ўтганликлари 2017 йилнинг III-чораги сўнгидаги тариф даражаларнинг сақланиб қолишига замин яратди.

Кузатувдаги бошқа хизмат турлари ичида нисбатан сезиларли даражада транспорт воситаси эгаларининг мажбурий суғурталаш хизматлари 24,4 % га, санатория хизматлари 16,7 % га, маданият муассасалари хизматлари 15,3 % га қимматлашганлигини кўриш мумкин.

2017 йилнинг декабрь ойидан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ошганлиги унга боғлиқ айрим турдаги хизматларнинг, яъни, ҳуқуқий, банк ҳамда ветеринария хизматлари соҳасидаги нархларнинг 15,0 % га ошишишига сабаб бўлди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида **Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси** 31,1 %га ошиб, ўсиш даражаси ойда ўртача 2,3 %ни ташкил этган.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича нархларнинг ўзгариши

(%)

	ўтган ойга нисбатан			2017й. декабрь 2016й. декабрга нисбатан
	октябрь	ноябрь	декабрь	
<b>Саноат фаолияти</b>	<b>104,6</b>	<b>103,9</b>	<b>101,4</b>	<b>131,1</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>105,1</b>	<b>119,4</b>
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	100,0	100,0	106,3	124,0
Темир рудасини қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	101,0
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	101,0	100,0	100,1	103,8
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>105,5</b>	<b>104,7</b>	<b>100,9</b>	<b>135,1</b>
Озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	102,3	102,2	100,4	107,0
Ичимликлар ишлаб чиқариш	102,6	100,7	102,0	118,4
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	102,7	116,2	100,7	147,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	99,9	120,1	100,2	129,5
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,8	100,8	101,1	125,2
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	99,7	104,0	102,0	117,8
Металлургия саноати	121,6	100,2	101,7	220,7
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	121,8	100,1	100,1	127,5




	ўтган ойга нисбатан			2017й. декабрь 2016й. декабрига нисбатан
	октябрь	ноябрь	декабрь	
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	99,9	100,0	104,8	131,6
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеplar ишлаб чиқариш	108,8	100,1	100,0	179,8
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>100,2</b>	<b>99,2</b>	<b>100,0</b>	<b>105,1</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>115,8</b>	<b>122,2</b>	<b>124,2</b>	<b>191,7</b>

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолиятида 2017 йилнинг июнь ва декабрь ойларида нархларнинг бирмунча сезиларли даражада (мос равишда 10,3 ҳамда 5,1 %) кўтарилиши қайд этилган бўлиб, бу эса ўз навбатида нархлари тартибга солинувчи маҳсулотлар қийматининг ошиши билан ўзаро боғлиқдир (хом нефть, табиий газ ва табиий газ конденсати). Бундан ташқари, 2017 йилнинг июль ойида Молия вазирлигининг Реестрига асосан қазиб олинувчи кўмир нархлари ўртача 7,0 % га ошди. Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият турлари эса йил давомида ўртача 3,8 % га қимматлашди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолиятининг асосий турдаги маҳсулотлари нархларининг ўзгариши куйида келтириб ўтилган:

**2017 йилнинг декабрь ойи учун тоғ-кон саноати ва очик  
конларни ишлаш маҳсулотлари нархлари индекси**  
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



2017 йил якуни кўра ишлаб чиқариш саноати бўйича нархларнинг ўсиш суръати тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолиятига нисбатан юқорирок бўлганлигини қуйидаги жадвалда батафсил тасвирланган:

**Ишлаб чиқариш ҳамда тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти нархлари индекси**  
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида нархлари ўртача 7,0 % га ўсди, жумладан, маргарин ва омихта истеъмол мойлари 20,8 % га, хайвонлар учун тайёр озуқа 15,8 % га, парранда гўштини қайта ишлаш 14,9 % га, сутни қайта ишлаш ҳамда пишлоқ ишлаб чиқариш фаолияти 13,9 % га, тегирмончилик саноати маҳсулотлари 7,6 % га, ўсимлик ва хайвонлар ёғ-мойлари 7,2 % га ва гўшт маҳсулотлари нархлари ўртача 2,7 % га қимматлашди.

Ичимлик ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини ўртача 18,4 % га, жумладан, пиво 31,2 % га, узум шароби 30,7 % га, ароқ 17,5 % га ва алкогольсиз ичимликлар 15,5 % га кўтарганликларини кўриш мумкин.

2017 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархларидаги асосий ўсиш даври сентябрь ҳамда ноябрь ойларида тўғри келиб, мос равишда 10,2 ва 16,2 % га ўсган. Йил давомида ишлаб чиқарилган ипак толалари нархлари 2,8 баробарга, ип газламалар 2,3 баробарга, пахта толалари 1,7 баробарга ва бошқа турдаги тўқимачилик маҳсулотлари эса 1,2 баробарга қимматлашди.


2017 йилнинг январь-декабрь ойларида қайта ишланган нефть маҳсулотлари 29,5 % га қимматлашди. Нархларнинг энг юқори ўсиш даражаси июнь (3,9 %) ҳамда ноябрь (20,1 %) ойларида қайд этилди.

**Қайта ишланган нефть маҳсулотлари нархларининг ўзгариши динамикаси (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)**



Нефть маҳсулотлари нархлари қимматлашишининг асосий омили, биржа нархларининг шаклланиш тартиби ҳамда нархларни тартибга солувчи ташкилотлар (органлар) томонидан янги жорий қилинган нархларнинг амалда тадбиқ қилинишидир. Йил давомида мазутнинг нархи ўртача 6,1 баробарга, реактив ёқилғи 4,8 баробарга, вазелин, нефть парафини 2,9 баробарга, ёғлаш учун нефть мойлари 2,1 баробарга, керосин 63,2 % га, бензин 57,7 % га, суюлтирилган пропан ва бутан 15,6 % га, дизель ёқилғиси 1,3 % га қимматлашди.

**2017 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг айрим турдаги қимёвий маҳсулотлари нархлари ўзгариши (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)**



Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги нometалл маҳсулотларидан бетондан қурилиш буюмлари 25,7 % га, йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар 22,7 % га, цемент 22,1 % га, оҳак 22,0 % га, ғишт 12,9 % га, тайёр бетон 9,9 % га, шиша ва шишадан ишланган буюмлар 9,8 % га, асфальт ёки шу каби материаллардан тайёрланган ўрамлардаги буюмлар 6,1 % га қимматлашган.

Металлургия саноати маҳсулотлари йил давомида ўртача 2,2 баробарга қимматлашиб, нархларнинг асосий ўсиш даври 2017 йилнинг сентябрь (46,3 % га) ҳамда октябрь (21,6 % га) ойларига тўғри келади. Нархларнинг қимматлишиши, маҳсулотларга нисбатан биржа нархларининг шаклланиши, шунингдек, валюта қийматини либерализациялаш борасида олиб борилган сиёсат ҳамда ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши билан боғлиқ. Шунингдек, чўян, пўлат ва темир қотишмаларнинг 2,5 баробарга, асосий қимматбаҳо ва рангли металллар 2,3 баробарга, пўлат қувур, қувурўтказгич, профил, фитинглар нархлари 1,5 баробарга қимматлашди.

Республикада саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қора металлдан миноралар ва панжарасимон мачталар нархлари 1,5 баробарга, пўлатдан тегирмон “шар”лари 2,0 баробарга, симдан ясалган буюмлар, занжирлар ва пружиналар 47,7 % га, эмалланган ёки бошқа турдаги маиший ҳамда ошхона жиҳозлари 34,4 % га қимматлашди.

Электр ёритиш ускуналари ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари ўртача 2,2 баробарга, поршенли двигателларни ишга туширувчи аккумуляторлар 2,0 баробарга, электр симлари ва электр симли асбоблар 37,9 % га, ошхона ва бошқа маиший плиталар 21,1 % га, маиший электр анжомларнинг 2,1 % га қимматлашиши умумий электр ускуналар ишлаб чиқариш саноатининг ўртача 31,6 % га ўсишига олиб келди.

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш соҳасидаги нархларнинг асосий ўсиш даври асосан 2017 йилнинг июнь, сентябрь ва октябрь ойларида қайд этилган бўлиб, бунда нархлар ўрта ҳисобда мос равишда 26,2, 13,1 ҳамда 8,8 % га қимматлашган. 2017 йилнинг 12 ойи давомида моторли транспорт воситалари 2,1 баробарга, автотранспорт воситаларининг бутловчи қисмлари ва аксессуарлари 26,5 % га, автомобиль кузовлари ва яримприцепларнинг нархлари 18,0 % га ошган.

Бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгариши қуйида акс эттирилган:

### Бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгариши

(%)

	ўтган ойга нисбатан			2017й. декабрь 2016й. декабрга нисбатан
	октябрь	ноябрь	декабрь	
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	114,3	112,5	100,1	141,6
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	101,1	106,2	100,0	139,6
Кийим ишлаб чиқариш	100,1	101,6	98,9	124,2

	ўтган ойга нисбатан			2017й. декабрь 2016й. декабрига нисбатан
	октябрь	ноябрь	декабрь	
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,1	100,0	105,2	124,2
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари)	100,0	100,0	101,9	120,2
Мебел ишлаб чиқариш	100,1	102,9	100,0	118,3
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	115,3
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	105,1	115,1
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	111,8	101,2	100,0	113,9
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	110,9
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	95,2	100,0	101,5	103,1

2017 йил сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасида нархларнинг ўсиши электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасидаги нархлардан бирмунча ўзиб кетди.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш нархлари индекси электр энергия (6,9 % га) ҳамда иссиқлик энергияси (6,2 % га) тарифи, кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ (7,5 % га) нархлари ошиши, шунингдек, газ билан таъминлаш тизими орқали газсимон ёқилғини тақсимлаш хизмати тарифларининг 4,5 % га пасайиши натижасида шаклланди.

2017 йилнинг октябридан сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасида нархларнинг сезиларли даражада ўсишига сабаб, таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашё материаллари нархларининг қимматлашашидир. 2017 йилнинг сўнгги уч ойи давомида таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашё материаллари нархлари 2,8 баробарга, таркибида алюминий бўлганлари эса 1,6 баробарга қимматлашди. Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар тарифи 2017 йил давомида 20,1 % га, сувни қайта ишлаш ва қувурлар орқали тақсимлаш 6,6 % га, таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашё нархлари 3,1 баробарга ҳамда таркибида алюминий бўлганлари 1,9 баробарга қимматлашди.